Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган * 1999 йил 10 февраль, чоршанба * Баҳоси сотувда эркин нархда * № 12 (7106)

**Da'vat**

**Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак.**

**Ислом КАРИМОВ**

**Ibrat**

**Оқдарё туманидаги «Қаҳрамон» жамоа хўжалигининг Пичоқчи қишлоғида 784 ўринли икки қаватли янги мактаб биноси ишга туширилди. Бинони қуриб фойдаланишга топширишда жамоа хўжалиги раиси Норқўзи Қаршиев ҳамда туманнинг 160 - кўчма механизациялашган жамланма жамоаси алоҳида жонбозлик кўрсатди.**

# «БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ» КИТОБИ НАШРДАН ЧИҚДИ

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислоҳотлар, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг тарихий аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Баркамол авлод орзуси» китоби нашрдан чиқди.***



Президент Ислом Каримов томонидан яратилган таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш Миллий модели, шунингдек, юртбошимизнинг Олий Мажлис IX сессиясидаги «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» маърузаси ҳамда «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблари ушбу китобнинг юзага келишига асос бўлди.

Китобдан Президент Ислом Каримовнинг ёш авлод тарбияси ва таълимига оид ўн йилдан ортиқ давр мобайнида билдирган фикр ва мулоҳазаларининг мантиқий ривожи хронологик тарзда ўрин олган. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг аҳамияти ва моҳияти кенг оммага тушунарли тарзда тадқиқ этилган.

Маълумки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» маънавий-маърифий ҳаётда жуда катта тарихий воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари кашф этган узлуксиз таълим-тарбия тизимининг Миллий модели ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари ва нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан таълим тизимининг Ўзбекистон Миллий модели илмий-назарий ва амалий жиҳатдан юксак баҳоланди, унга бўлган қизиқиш кундан-кунга ошиб бормоқда.

Миллий дастур, унинг пировард мақсадлари ва вазифалари нималардан иборат, нима учун Ўзбекистон Президенти ўтиш даврига хос қийинчиликларга қарамасдан бутун диққат-эътиборни ёш авлод таълим-тарбиясига қаратмоқда? Бу саволларга «Баркамол авлод орзуси» китобидан аниқ ва лўнда жавоб топишингиз мумкин.

Таълим-тарбия тизимидаги ислоҳотлар ўз-ўзидан бошлангани йўқ, унинг замирида Президентимизнинг узоқ йиллар давомидаги орзу-умидлари, оқилона ва босқичма-босқич олиб борилаётган давлат сиёсати ётганлиги китобда аниқ ва равшан кўрсатилган.

Шунингдек, Президент Ислом Каримовнинг чуқур фикр-мулоҳазалари билан бирга дунёвий тараққиётга улкан ҳисса қўшган буюк алломаларнинг таълим-тарбия, комил инсонни вояга етказиш ҳақидаги фикр-ўйлари ҳам ушбу китобдан ўрин олган.

«Баркамол авлод орзуси» китоби ҳеч шубҳасиз, янги авлод тарбияси, таълимдаги ислоҳотлар билан машғул бўлган ўқитувчилар, мураббийлар ва барча педагоглар учун дастуриламал бўлади, ёшларда миллий ғурур ва билимга чанқоқликни шакллантириб қолмай, жамиятда уларга нисбатан меҳр ва эътиборни кучайтиради, маърифатпарвар инсонларнинг фаолияти учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Китоб «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилган.

**(ЎзА)**

# ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИГА БАҒИШЛАНДИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тармоғини яратиш ва ривожлантириш, уларни республика ҳудудида мақбул жойлаштириш ҳамда замонавий талабларга мувофиқ техника билан жиҳозлаш бўйича белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамаси ўтган йил сентябрь ойида махсус қарор қабул қилган эди. Унда 1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тасдиқланганди.

Дастурга мувофиқ 2000 йил 1 сентябргача мамлакатимизда 304 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежини ишга тушириш режалаштирилган. Шундан 195 таси янгидан қурилади. Йиғилишда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш, таъмирлаш, лойиҳаларини ишлаб чиқиш, лойиҳа ва пудрат ишларини молиявий таъминлаш каби масалалар кўриб чиқилди. Бу ҳақда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази раҳбари Р. Жўраев, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Т. Набиев, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев, Молия вазирининг ўринбосари Ж. Қўчқоровнинг ахборотлари тингланди. Шунингдек, бу ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қандай бораётгани билан танишилди. Тегишли идора ва ташкилотларга бу борадаги ишларни жадаллаштириш, уларни белгиланган муддатда сифатли бажариш юзасидан топшириқлар берилди.

Вазирлар Маҳкамасида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши, таъмирланишининг 1999-2000 йилларга мўлжалланган дастури бўйича ташкилий ишлар қандай бораётганига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мутасадди вазирликлар, идора, концерн, банкларнинг раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг қурилиш ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, тендер бошқармаларининг бошлиқлари, вилоят бош меъморлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши дирекцияси, қурилиш трестларининг раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов олиб борди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Ғ. Бaрноев, Т. Рисқиев, Бош вазир ўринбосарлари Ҳ. Кароматов, А. Исаев, Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова қатнашди.

**(ЎзА)**

# ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Агар мақсадсиз бўлсанг ҳеч нарса қилолмайсан, мақсадинг катта бўлмаса буюк иш қилолмайсан, деганди ғарб донишмандларидан бири. Бинобарин, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард натижаси энг аввало, Шахснинг маънавий, руҳий камолоти билан боғлиқлиги давлатимиз сиёсатининг муҳим ютуғидир. Зеро, Ўзбекистон раҳбарининг бирдан бир мақсаду маслаги ҳам баркамол авлод орзусидир.

Яқинда юртимизда таълим тизимидаги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, тарихий аҳамиятини ўзида мужассам этган «Баркамол авлод орзуси» китоби нашрдан чиққан эди. Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида мазкур китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси давлат ва матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов очди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев сўзга чиқди. Нотиқ ўз сўзида «Баркамол авлод орзуси» китобининг тадрижий тузилиш тартиби, ундан ўрин олган Президентимиз нутқлари ва «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавоблари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазаларнинг бугунги кундаги аҳамиятига тўхталиб, унинг таълим-тарбия борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ижрочилар томонидан тўғри ва теран англашилишига кўмак беражагини алоҳида таъкидлади.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат Университетининг ректори, академик Т.Долимов, Тошкент шаҳридаги 216-мактаб ўқитувчиси М.Воҳидова, ТошДУ толиби С.Эргашев, Гулистон шаҳридаги академик лицей директори С.Самадов, ижодий гуруҳ номидан Р.Аҳлиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси ректори А.Азизхўжаев, журналист М.Ҳожиматов ва бошқалар сўзга чиқишиб, «Баркамол авлод орзуси» китоби ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**Норали ОЧИЛОВ**

## JUMLADA JAHON

**• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистон Давлат божхона қўмитасининг бир гуруҳ ходимлари «Жасорат» медали ҳамда фахрий ёрлиқлар билан мукофотландилар.**

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида раҳбар ходимлар учун доимий семинарнинг иккинчи туркумида машғулотлар бошланди.**

**• Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Ойбек номидаги 14 - мактаб қошида ташкил этилган «Бунёдим» бадиий ҳаваскорлик дастасига давлатимиз раҳбарининг совғаси топширилди.**

**• Пойтахтимиздаги Рус академик драма театри қайтадан таъмирланган гўзал ва муҳташам бинода 64-мавсумини бошлади.**

**• Оммонда Иордания қироли Ҳусайн узоқ давом этган касалликдан сўнг оламдан кўз юмди, шу муносабат билан мамлакатда 40 кунлик мотам эълон қилинди.**

**• Филиппинда тинимсиз давом этаётган жала оқибатида 46 шаҳарни сув босди, 200 минг аҳолини кўчиришга тўғри келди.**

**• Россиянинг Самара вилоятида Тожикистондан келтирилаётган катта партиядаги героин ушлаб қолинди.**

**• Озарбайжоннинг Миллий мажлиси Россиянинг Арманистонга қурол-яроғ етказиб бераётганлиги масаласини кўриб чиқишни бошлади.**

**• Ироқ БМТга ушбу йил учун 15,5 миллион доллар миқдорида аъзолик бадалини тўлади.**

## Ўқитувчи ён дафтарига

### КИМ КЎП ҲАРАКАТЛАНАДИ?

**Мутахассислар уй бекасининг бир йил мобайнида бажарган ишларини кузатишиб, қуйидагиларни аниқладилар. Уй бекаси бир йилда 13 минг марта қошиқ, яна шунча тақсимча, 6 мингта пиёла, 3 минг марта қозон-товоқ ювади ва яна шунча бор идишларни жавондан дастурхонга , дастурхондан жавонга элтади. Кўпчилик «заифа» атайдиган аёллар шу иш жараёнининг ўзидаёқ йил бўйи беш тоннага тенг юк ташир эканлар.**

### СЕРМАҲСУЛ ИЖОД

**Кино соҳасидаги энг сермаҳсул муаллифлардан бири бугунги кунда , шубҳасиз драматург Уильям Шекспирдир. Ҳозиргача Шекспир сюжетлари деб тахмин қилинаётган 31 замонавий фильмдан ташқари , унинг пьесалари 273 марта экран юзини кўрган. Адиб қаҳрамони Ҳамлет 41 фильмда қатнашган бўлса, Ромео ва Жульетта 29, Макбет 26 марта лентада намоён бўлганлар.**

### ТАБИАТ МЎЖИЗАСИ

**Мексика ўлкасида шундай таърифга муносиб бир гул ўсади. Ажойиблиги шундаки, гул бир куннинг ўзида турфа рангга киради, яъни, тонгда оппоқ, эрталаб қирмизи, туш пайтида қип-қизил, шом чоғи нилий, кечқурун қора, тунда яна оппоқ бўлади. Гулнинг яна бир сири шундаки, у фақат оппоқ рангга киргандагина хушбўй ҳид таратади.**

### УДДАЛАБ БЎЛМАЙДИГАН ИШ

**Мушукларни силаётганда чирсилловчи овозлар эшитилишини яхши биласиз. Физиклар мана шу жараёнда ҳосил бўладиган электр қувватини ўлчашга муваффақ бўлишди. Уларнинг ҳисобларича, 15 ваттли электр лампочкасини шу қувват билан ёндириш учун 150000000 мушукни баравар силаш лозим бўлар экан.**

## ЭҲТИРОМ

*«Туркий тилнинг ўлук жасадиға Масиҳ анфосидин руҳ киюрган» (Ҳусайн Бойқаро) буюк мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг номи халқимиз шони, миллатимиз обрўси сифатида талқин қилинади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Зеро, ул зотнинг тилимиз, адабиётимиз равнақига қўшган ҳиссаси беҳад-ҳисобсиз.*

*Мустақиллигимиз шарофати, билан буюк бобомиз номи янада абадийлаштирилди. Мустақиллигимизнинг биринчи йили Навоий йили деб эълон қилинди. Пойтахтимизда Ҳазрат номидаги боғ барпо қилинди, шоир ҳайкали ўрнатилди. Бу жой халқимизнинг қадамжосига айланди.*

*Алишер Навоий таваллуд топган куни бу боғ эрта тонгданоқ янада гавжумлашди. Халқимиз шоирга ўз эҳтиромини билдириш учун ошиқди. Шоир ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Алишер Навоий ғазаллари ўқилди, уларга басталанган қўшиқлар ижро этилди.*

*Мазкур тантанада Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этишди.*

*Шунингдек, шу куни таълим муассасалари, илм даргоҳларида ҳам Навоийхонлик давом этди.*

**Мухбиримиз**

# ЎЗБЕКНИНГ КУРАШИ ЎЗГАЧА

**Munosabat**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг куни-кеча матбуотда эълон этилган «Халқаро «Кураш» Ассоцациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони Самарқанд вилояти халқ таълими ходимлари ва курашчиларини хурсанд қилиб юборди. Назаримда, Фармон айни ўз вақтида чиқарилди. Кўпчиликка яхши маълум, вилоятимиздан донгдор полвонлар етишиб чиққан. Бугун ҳам уларнинг издошлари кураш шоҳсупаларидан муносиб ўрин эгаллаб келмоқдалар.

Менинг таклифим – Самарқанд вилоятида халқаро «Кураш» Ассоцациясининг бўлими очилса. Ёшларимиз мазкур бўлим шафеълигида жаҳон нуфузли турнирларига чиқса. Ўйлайманки, апрель ойида Кураш бўйича Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Жаҳон биринчилигида самарқандлик полвонлар ҳам ғолиблик шоҳсупасидан муносиб ўринни эгаллайдилар. Зеро, бунга уларда етарли куч ҳам, имконият ҳам мавжуд.

**Мамажон АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси**

# ДОСТОН ҚИЛГИН ЮРТИНГНИ, РУСТАМ !

15 - 31 январь кунлари Голландиянинг Вейк - Ан - Зе шаҳарчасида дунёнинг энг кучли 14 нафар халқаро гроссмейстери ўртасида анъанавий супертурнир бўлиб ўтганди. Ватандошимиз, 19 ёшли халқаро гроссмейстер, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети математика факультети талабаси Рустам Қосимжонов турнирда дунёни лол қолдирган Г.Каспаров, В.Ананд, В.Крамниклар билан бир даврада дадил «от» суриб 13 имкониятдан 5 очко тўплаган ҳолда 11 - ўринни эгаллади. Бу жуда катта муваффақият! Зеро, супертурнирнинг нуфузи жаҳон чемпионатидан ҳам юқори туради. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Рустам Қосимжонов билан юртимиз оммавий ахборот воситалари вакилларининг қизғин суҳбати ҳам бундан шаҳодат беради.

Рустамнинг бундан кейинги турнирларда ҳам юртимиз довруғини элларга достон қилишига умидимиз бор.

**Н. АСЛОН**

# ОБОД ВА НУРАЁТГАН МАКТАБ

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилар экан, ҳаётимизнинг барча соҳасида тадбиркорлик ва ишбилармонликни эгаллаш замон талабига айланмоқда. Бугунги кунда халқ таълими ходимлари ҳам ўз фаолиятида тадбиркорликдан унумли фойдаланмоқдалар. Ана шундай тадбиркор жамоалардан бири Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 13-мактабдир. Мазкур мактаб жамоасига тажрибали ва тадбиркор педагог Раимқул ака Тўраев бошчилик қилади. Раимқул аканинг ҳозирги вақтда қилаётган ишини кўриб кўзинг қувонади, нафақат кўзинг, қалбинг ҳам қувончга тўлади. Мактаб ҳудудидаги 1 гектарга яқин ер майдони боғ-роғларга айлантирилган ва ундан унумли фойдаланиб келинмоқда.

Мактаб боғида 20 га яқин мевали — ўрик, шафтоли, бодом, ёнғоқ, хурмо, фундук, анор, жийда, гилос ва шу каби дарахтлар ҳамда 10 дан ортиқ гул, сарв, патта, пальма ва шунга ўхшаш манзарали дарахтлар экилган.

—Мевали ва манзарали дарахт кўчатларини 3 хил йўл билан кўпайтиришади. Сараланган данаклардан, қаламчалардан ва пайванд қилиш орқали етиштирилган кўчатлар болалар боғчаларига, шифохоналарга, мактабларга ва республикамизнинг кўпгина вилоятларига етказилади ва булардан яхшигина даромад оламиз, — деди фахр билан Раимқул ака.

Дарҳақиқат, мактаб ўз ҳисоб рақамига эга, унда ҳозирги кунда 150.000 сўмдан зиёд маблағ мавжуд. Бундан ташқари, ўқувчи ва ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш, мактабнинг моддий техник таъминоти ҳам ушбу даромад ҳисобидан бўлаётир.

1998/99 ўқув йили давомида ҳам 20 кг сараланган бодом, пакана ёнғоқ, ўрик, шафтоли, данаклари, 10 мингдан ортиқ атиргул қаламчаси экилди. Айни кунда лимон, мандарин, апельсин, хурмо, нок, писта, дўлана каби мевали дарахт қаламчалари эса илдиз олдириш учун политилен остида ўстирилаяпти. Қисқаси, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари «Биздан обод мактаб қолиши керак» деган шиор остида ишламоқда. Мактаб раҳбарининг нияти ҳам аслида шу.

**Фотима ХОЛМИРЗАЕВА**

## Bir shaharda ikki manzara

Термиз шаҳридаги 3-умумтаълим ўрта мактабининг янги биноси нураш арафасида.

Сарлавҳани ўқиб «ие, наҳотки, эрта индин ўзининг 2500 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган қадимий шаҳарда, нураш ҳолига келиб қолган мактаб ҳам бўладими?» деган ҳаёлга борасиз. Афсуски Сурхондарё вилоятининг марказидаги 1754 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётган И.В. Бердникова директорлик қилаётган мактабнинг янги биноси емирилиб бораётганлиги рост гап.

Мактаб директори бу хусусда шундай деди:

— Аҳволни ўзим ҳам биламан, хавотирдаман. Ўнлаб турли мутассадди идораларга ёзма ва оғзаки сўровларим қоғозларда қолмоқда. Қарийб, бир неча йилдан бери бу можарони ҳал этадиган мард топилмаётир, катталаримизнинг бугунги масъулиятсизлиги жабрини ишқилиб, бир куни болажонларим тортишмасинда.

Файзулла Хўжаев номидаги кўчада жойлашган мактаб Термиз шаҳридаги ташқи кўринишидан кўркам, муҳташам икки қаватли икки бинода жойлашган. Эски бино 1940 йилда фойдаланишган топширилган бўлса-да , ҳали гард юқмаган. Аммо, 1989 йили Термиз шаҳридаги «Бинокор» (собиқ 13-механизациялашган кўчма жамламаси) қурувчилари томонидан бунёд этилган қўшимча бинонинг аҳволига маймунлар «йиғлайди».

(Давоми 2-бетда)

Tashabbus

# «ЖАСОРАТ» ДАРСЛАРИ АНЪАНАГА АЙЛАНАДИ!

Ватанни ёвдан ҳимоя қилмоқ ҳамма замонларда ҳам муқаддас ва шарафли вазифа ҳисобланади. Айниқса, туркий қавмлар, шу жумладан ўзбеклар учун она Ватан ҳимояси ор-номус, ғурур ҳимоясидир.

Шу маънода ёш авлодни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларга бошланғич ҳарбий таълим бериш муҳим тадбирдир. Ўтган ўқув йилида Халқ таълими вазирлиги тизимида чақириққача ёшларни тайёрлаш 7235 та таълим муассасида, шу жумладан: 6890 та умумий ўрта таълим мактабларида, 209 та ҳарбий лицейларда 34 та гимназияларда тўла амалга оширилиб, уларга кўплаб ўқувчи-ёшлар жалб этилганди. «Чақириққача ёшларни тайёрлаш» фанини ўтишдан асосий мақсад уларни она Ватан ҳимоясига тайёрлаш, ёшларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантиришдан иборатдир.

Биз ҳамиша ғайриодатий воқеа-ҳодисаларга кўпроқ қизиқамиз. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи — «Ватанпарвар» газетасининг ижодкор журналистлари ўрта мактабларда «Жасорат» дарсларини ўтиб, ўзига хос янгилик қилишди. 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунида газета муҳаррири, подполковник И. Абдукаримов пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Г. Акромова раҳбарлик қилаётган 12-мактабда таҳририят ходимлари: подполковник В. Калошин шу тумандаги А.Северхина раҳбарлик қилаётган 235-мактабда, капитан А. Камолов ҳам шу тумандаги Ш. Мамадалиева раҳбарлик қилаётган 253-мактабда, подполковник К. Жабборов Мирзо Улуғбек туманидаги М. Мамиров раҳбарлик қилаётган 148-мактабда, майор Я. Корука Миробод туманидаги Л. Зимина раҳбарлик қилаётган 94-мактабда, капитан А. Обрўев Сирғали туманидаги Н. Шокирова раҳбарлик қилаётган 301-мактабда ва катта лейтенант Ш. Икромов Чилонзор туманидаги А. Каримов раҳбарлик қилаётган 90-мактаб-лицейда бўлишиб, юқори синф ўқувчиларига дарс ўтишди. Ҳарбий журналистлар байрам муносабати билан ўқувчиларга «Жасорат» мавзуида сабоқ беришди. Улар ёшларга Ватан, ватанпарварлик хусусида, армия, аскар ва офицерлар ҳаётидан қизиқарли ҳикоялар айтиб беришди. Ўз навбатида ўқувчилар ҳам ҳарбийлар ҳаётига оид кўплаб саволлар беришди.

Ҳарбий журналистлар «Жасорат» дарсларини ўтказиш анъанага айланса, деган ташаббус билан чиққан эдилар. Уларнинг ташаббусини Республика Халқ таълими вазирлигининг чақириққача ёшларни тайёрлаш илмий-методик кенгаши аъзолари атрофлича ўрганишиб, маъқул деб топишди. 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб вазирлик тасарруфидаги таълим муассасаларида ҳудудларда жойлашган мудофаа ишлари бўлимлари билан ҳамкорликда «Жасорат» дарслари ўтиладиган бўлди.

**Н. ОЧИЛОВ**

# КОЛЛЕЖГА ГАЗЧИЛАР ҲОМИЙ

Қарши саноат коллежи вилоятдаги ишлаб чиқариш корхоналари ва мавжуд ресурслардан келиб чиқилган ҳолда нефть ва газ саноати тизимига айни кунда асқотиб турган мутахассис кадрлар етиштириб бериш ниятида ташкил этилган.

Бу коллежда «Газ ва нефть саноати бўйича маҳаллий эҳтиёжлардан келиб чиқилган ҳолда «нефть ва газни қайта тайёрлаш», «нефть ва газ химияси, технологияси», «назорат-ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш», «саноатда молия ишлари агенти» мутахассисликлари бўйича 210 нафар ёшлар таълим-тарбия олишаётир.

Қисқа муддат ичида коллежда химия, физика, лингофон, компьютер, нефть ва газ, шунингдек, ўқув-тажриба хоналари давр талаблари асосида тўлиқ, бекамукўст жиҳозланди. Айтиш мумкинки, вилоят миқёсида ўрганишга арзигулик «Маънавият ва маърифат хонаси», «Кутубхона ва қироатхона» ташкил этилди. Ҳамма талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган 100 ўринли ётоқхона талабалар ихтиёрига топширилди. Айни кунда унда 50 нафар талаба истиқомат қилаётир.

Коллежда ёшларнинг мукаммал билим олишлари учун зарур деб топилган нефть ва газ саноати тизимида қўлланиладиган қурилмалар, жиҳозлар, анжомлар, макетлар келтирилиб, махсус хоналарга ўрнатилди...

Хўш, бу улкан ишлар қандай тартибда амалга оширилди? Керакли маблағлар қаердан олинди?

— Амалга оширилаётган улуғ ишларимиз тепасида ҳомийларимиз туришибди, — дейди коллеж директори, физика-математика фанлари номзоди Турғун Носиров биз билан бўлган суҳбатда. – Шу ўқув йилининг ўзидаёқ Шўртангаз конлари бошқармаси 10,5 миллион сўм, Муборак газни қайта ишлаш заводи маъмурияти 10,5 миллион сўм, «Ўзбекнефтьгаз» геология бирлашмаси бир миллион сўм ёрдам кўрсатишди.

**А. ОБИДДИНОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири**

Oila va maktab

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг мақсад ҳамда вазифалари очиқ-равшан кўрсатилган. Ёшларга ватанпарварлик, хушмуомалалик, ҳалолик, ростгўйлик, камтарлик, мақсадга қатъият билан интилиш каби қимматли фазилатларни сингдиришда синф раҳбари муҳим ҳамда маъсулиятли вазифани адо этади.

У бола тарбиясида ота-оналар билан алоқанинг турли шаклларидан фойдаланиши керак.

Синф раҳбарининг ота-оналар билан муносабати ўқувчиларга тарбия беришни янада яхшилашга хизмат қилади.

Кундалик ҳаёт ва иш тажрибаси шуни кўрсатадики, ўқувчилар орасида гарчи оз бўлса-да ўқиш ва меҳнатни менсимаслик, дўстларини ва катталарни ҳурмат қилмаслик, жамоат жойларида қўполлик қилиш каби ҳолатлар содир бўлиб туриши, биринчи галда мактаб жамоасини ташвишга солади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун пухта ўйланган режа асосида иш олиб бориш керак.

Тарбиянинг биринчи поғонаси аввало, оиладан бошланади. Оилада берилаётган тарбия мактабда берилаётган тарбия билан қўшилиб, мужассамлашганда яхши натижага эришиш мумкин. Мактаб ва оила доимо ҳамкор, ҳамфикр бўлиб иш олиб борсагина, мустақил юртнинг келажаги бўлган ёшларни одобли, хушмуомала қилиб тарбиялаймиз.

Ўз фарзандларига тўғри тарбия бераётган, ўғил-қизлари оилада, жамоатчилик орасида ҳам ҳурматга сазовор бўлаётган оилалардан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Шубҳасизки, бундай оила фарзандларида таркиб топаётган фазилатлар ота-онанинг оилада тарбияни давр талабларига тўлиқ жавоб берадиган қилиб йўлга қўйганлиги самарасидир. Афсуски, ҳали ҳам болани мактабга юборсанг, яхши кийинтирсанг, едириб-ичирсанг, истаган нарсасини олиб берсанг бўлгани у ўзўзидан одам бўлиб кетаверади, деб ўйловчи ота-оналар оз бўлса-да, учраб туради.

Ҳар бир ота-она шуни унутмаслиги кераки, ёмон тарбия ота-онага эмас, балки халққа, Ватанга, эл-юртга ҳам катта зиён келтиради.

Ҳозирги кундаги асосий талаб мактаб ва оила ҳамкорлигини янада яхшилашдан иборат. Ҳар бир ўқитувчи, синф раҳбари бу ишда ибрат ва намуна кўрсатишлари зарур. Ҳозирги даврда турмуш тобора ўзгариб бормоқда. Шу сабабдан ҳам таълим-тарбия ишида эски усулларга ёпишиб олган одам ҳаётдан орқада қолиши, катта хатоларга йўл қўйиши мумкин.

Ҳаётдан орқада қолмаслик учун эса кўп ўқиш, изланиш ва қунт билан ишлаш керак. Янги услуб ва тажрибаларни синаб кўриш ва қўллашдан чўчимаслик керак. Шундагина биз кўзланган мақсадга эриша оламиз ва адолатли жамиятнинг муносиб фуқароларини вояга етказамиз.

Келинг ҳамкасблар, келажагимиз бўлган ёшларни етук, баркамол, Ватанни севувчи, соф виждонли ўғил-қизлар бўлиб етишишида ўз билим ва тажрибаларимизни ишга солайлик. Мустақил юртимизнинг ўғил-қизларини маънавий баркамол қилиб тарбиялайлик.

**Шоҳсанам ЛАТИПОВА,**
**Хоразм вилояти, Хонқа туманидаги 18- мактаб директори ўринбосари, «Дўстлик» ордени нишондори**

MMM XABARLARI

## HISOBCHI YOZUVCHILAR UYUSHMASINING A'ZOSI

**Shumanay tumani xalq ta'limi bo'limining bosh hisobchisi, shoir Bozorboy Iymon O'zbekiston yozuvchilar uyushmasining a'zoligiga qabul qilindi. Bozorboy Iymon - iqtidorli ijodkor qozoq tilida ko'pdan buyon ijod qiladi. Uning «Yuragimning shu'lasi» va «Tumor» nomli she'riy to'plamlari «Qoraqalpog'iston» nashriyotida nashrdan chiqib, poeziya shinavandalari tomonidan yaxshi kutib olindi. She'rlarida hayot mushohadasi, shiddatli davrimizga xos yurak zarblari shundoqqina ko'rinib turadi.**

**Goyib YOQUBOY**

## MUSIQA MAKTABIDAN G'OLIBLAR

**Biz musiqa sohasidan chiqayotgan yosh san'atsevarlarni eshitishdan ko'pincha «Ha, Glyer yoki Uspenskiydandurda», u yerdan bo'lsa chiqadida», — degan fikrda bo'lib kelganmiz. Ammo biz sizga xabar bermoqchi bo'lgan yangilik yuqorida Respublikamiz va xorijda ham tan olingan musiqa maktablaridan emas, balki, Toshkent shahri Yunusobod tumanida joylashgan 13 - musiqa maktabi o'quvchilarining xalqaro ko'riklarga qatnashayotgani va muvaffaqiyat qozongani haqida. Ular Italiyaning Agropol shahrida bo'lib o'tgan «21-Pianinochilar» ko'nkursida ishtirok etishga muyassar bo'ldilar. G'oliblikni qo'lga kiritgan bu musiqa shaydolari bir hafta davomida «Umid» jamg'armasi homiyligida Italiyada bo'lib, turli musiqa ijrochilari e'tiborini qozonishga erishdilar.**

**Muxtasarxon KARIMOVA**

## O'SIMLIKLAR «SO'ZLAYDI»

**Andijon shahridagi 30 - o'rta maktabda «O'simliklar so'zlaydi» sarlavhasi ostida ilmiy-badiiy shou bo'lib o'tdi. Unda maktabning 6-7-sinf o'g'il-qizlari botanika o'quv fani bo'yicha egallagan bilimlarini jozibali ravishda namoyish etdilar. Shouda o'simliklarning o'ziga xos xislatlari o'simlik qiyofasiga kirib olgan o'quvchilar tomonidan ta'riflab berildi. Ayniqsa , daraxt novdalaridan yasalgan guldon va savatlar, bezak turlari bolalarning ijodiy mehnatlarini o'zida aks ettirdi. Tadbir tashkilotchisi, biologiya fani o'qituvchisi M.Isomiddinova to'planganlarga gerbariylarning ahamiyati va ularni to'plash qoidalari haqida so'zlab berdi.**

**Avaz HAYDAROV**

XABARLARI MMM

Ta'kid

# ИЛМ – ТИЛСИМ

Эрк – дунёнинг юраги, дейдилар. Истиқлол мафкурасини қалбга тугиб, фахрланадиган бўлдик. Эндиликда, қўлга киритган миллий мафкура ҳар бир қадам ва ишимизда акс этиши керак. Бунинг учун кўз ўнгимизда гавдаланган ҳар бир воқеа-ҳодисада миллийлигимиз акс этмоғи даркор.

Ҳар бир киши мафкурамизни дилдан ҳис этиши, мушоҳада қилиши ва шакллантириши учун кенг дунёқарашга, мустақил фикрлашга қодир бўлмоғи керак. Бу эса ҳар биримиздан пухта фалсафий билимларни тақоза этади.

Тошкент Давлат университетининг фалсафа факультетида таълим ислоҳоти йўлидаги саъй-ҳаракатлар асосий ўринни эгаллайди. Факультетга малакали ўқитувчилар жалб этилган. Талабалар билимга чанқоқ.

Ҳозир факультетда 5 та бўлим мавжуд. Улар фалсафа, социология, психология, сиёсатшунослик ҳамда жаҳон фалсафа тарихи ва мантиқдир. Ҳар бир бўлимга мутасадди кафедралар бириктирилган. Факультетнинг жамиятдаги ўрни салмоқли. Негаки, фалсафа – барча билимлар мажмуасидир. Шундай бўлгач, талабаларнинг мукаммал илм олишлари йўлида имкониятлар яратилмоқда. Компьютер билан жиҳозланган ўқув хоналари ташкил этилган. Амалиёт ва назария ҳамоҳанглик касб этаяпти. Таълим тизими рейтинг назорати асосида олиб борилаяпти. Мақсад битта: ёшларни етук, маънавий жиҳатдан бой, малакали кадрлар қилиб тарбиялашдир.

Факультетда 500 нафардан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Уларнинг кўпчилиги жамоат ишларида фаол. Республика ва халқаро миқёсдаги беллашувларда қатнашиб, муваффақиятли ўринларни эгаллашмоқда. Жумладан, 5-курс талабаси Корчуганова чет тиллар бўйича ижтимоий фан мутахассислари ўртасида ўтказилган Республика талабалар олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаб, Францияга бориб келиш бахтига муяссар бўлди.

Факультетимиз дунёнинг қатор институт ва университетлари билан ҳамкорлик ўрнатган. Ўқиш ва ўқитишнинг мазмунли йўллари изланиб, хорижлик ҳамкорлар билан фикр алмашилмоқда. Ҳозирда қатор мутахассисларимиз Англия, Франция, Испания, Португалия, Покистон илмгоҳларида малака ошириб, маърузалари билан қатнашиб келишди. Тўғри, хориж маърифат ўчоқларининг моддий-техник базаси ривожланган. Ҳаттоки, университетларнинг баъзи компьютер хоналарида бир йўла 400 нафар талаба ишлаши мумкин. Бироқ «бирни кўриб, фикр қил – мингни кўриб зикр...» деган гап бор. Бизнинг ҳам таълим тизимимизда ўрнакли жиҳатлар бисёр эканлигини хорижлик ҳамкорларимиз тасдиқлашади.

Бугун биз XXI аср бўсағасида турибмиз. Шундай экан, келгуси аср талаба ёшлари баркамол бўлиши керак, деган фикр ҳар бир қалбда ўз аксини топиши лозим. Илм кўнгилларни нурафшон айлаб, ҳамиша эзгуликка чорлаб, улуғворлик сари етаклайди. Бинобарин, илм – тараққиёт мезони эканлиги ҳар биримизнинг ёдимизда турсин.

**Анвар АБДУСАМЕДОВ,**
**ТошДУ фалсафа факультети декани, профессор**

Muhokama

# ЎҚИТУВЧИЛАРГА МАЪҚУЛ БЎЛАДИ

«Маърифат» газетасининг шу йил 27 январь сонида чоп этилган «Умумий ўрта таълим муассаса (мактаб)ларида ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низом олдинги муқобил вариантларидан бир мунча фарқ қилади. Масалан, бу тизимдаги назорат турлари ва ўқув фани бўйича 5 та андоза ҳам жуда ўринли берилган. Энди гап уни амалиётга жорий этишда қолди.

Назаримизда, ушбу рейтинг тизимини илм масканларида қўллашдан олдин РТМда, малака ошириш институтларида мактаб жамоалари вакиллари ўқувини ташкил этиш лозим. Негаки, мазкур янгиликни барча муаллимлар ҳам бирдек қабул қила олмайди.

Шунингдек, Низомда келтирилган билимни баҳолаш даражалари (1-жадвал) бироз бошқачароқ ишланса, яъни у IV-юқори, III - яхши, II - ўрта, I - паст шаклида ўзгартирилса, нур устига нур бўлади. Бунда ўғил-қизларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқлаш ҳам анча енгиллашади. Қисқаси, бундай тартиб рейтинг тизими мукаммаллигига заррача путур етказмайди.

**Орзигул МАТҚУРБОНОВА,**
**Яккасарой туманидаги 127-мактабнинг она тили ўқитувчиси.**

# «МЕН МУАЛЛИМ БЎЛАМАН»




Кўзимизнинг оқу-қораси бўлган фарзандимиз вояга етмоқда. Унинг бўйига бўй қўшилаётганини кўриб, ўзимизнинг-да кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Кетма-кет бераётган саволларидан завқланамиз. Фикрларидан унинг кундан-кунга улғаяётганини ҳис қиламиз.

— Ойижон, — деди қизим Сурайё бир куни тўсатдан, — катта бўлганимда устоз бўлсам майлими?

— Майли, — дедим мийиғимда кулиб. Шу-шу бўлдию қизим ҳар куни ўқишдан келиши билан мактаби, устози ҳақида тўлқинланиб, ҳаяжон билан гапирадиган бўлиб қолди. Қизимнинг бу ҳолатини кузатиб, фарзандларимизнинг меҳрини, ҳурматини қозонган инсон ҳақида фикр билдиришни лозим топдим. Аслида устозлар ҳақида бирон бир сўз айтиш қийин. Сўз мулкининг султони Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» асарида шундай дейди:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила.

Алалхусус, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси Шерали Тошмуродов неча йилдирки, мурғак қалбларга бошланғич таълимдан сабоқ бериб келаяпти. Шерали ёш бўлишига қарамай, анчагина тажрибага эга. Жамоада ҳам ҳурмат-эътибор қозонган. Куюнчак муаллимнинг ўз ишига меҳр-муҳаббат билан ёндошгани боисми, ўғил-қизлар ҳам унга меҳр қўйишган.

Сирасини айтганда, Шерали иқтидорли болалар лицей синфида дарс беради. Бир йилда 2 синфни тугатган ўқувчилари мактабга қабул қилинган вақтда ўқиш, ёзиш ва ҳисобни билганлар. Бу ўқувчилар оддий синф ўқувчиларидан чиройли ва хатосиз ёзиши, ўқиш тезлиги билан фарқ қиладилар. Шунингдек, ўзлаштириш, фикрлаш қобилияти, дунёқараши, нутқи равонлиги билан ҳам ажралиб турадилар. Муҳими, Шерали Тошмуродов дарсларни мужассамлашган тарзда фанларни бир-бирига боғлаб олиб боради.

— Математикадаги қисқа ёзув, кўпинча, она тили дарсидаги ҳаракат билдирувчи сўз ёки эга-кесимга боғлиқ бўлади, – дейди Ш. Тошмуродов. — Мана, шуни ўқувчига тушунтира олсангиз, кўзланган натижага эришасиз. Ёки ўқишни яхши билиши математикада масалани тушунишига бевосита боғлиқ, она тилидаги сўзларни таҳлил қилишга ёрдам беради.

Ўқувчи уй вазифасини яхши ўзлаштиролмаса, муаллимнинг кўнгли хижил бўлади ва сабабларини излайди. Ота-оналарини ҳам огоҳ этиб, уйда ана шу томонга алоҳида эътибор беришларини таъкидлайди. Шу билан бирга ўзи ҳам дарсдан кейин ўқувчи билан алоҳида шуғулланади. Илғор муаллим таҳлил, қаноат ва сабр инсонга қўшқанот бўлиб, уни юксакларга олиб чиқади, деган фикрга амал қилади. Қисқаси, келажаги буюк Ватанимизнинг ворисларини комил инсон қилиб вояга етказишда тинмай меҳнат қилаётган Шерали Тошмуродов сингари педагог, устозларга машаққатли ва айни чоғда шарафли бўлган ишларига ижодий баркамоллик тилаймиз.

**Сабоат МИРЗАҲАМЕДОВА**

Maktabgacha ta'lim

# ДАСТУР БОЛА ТАРБИЯСИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Республика таълим Марказида «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш таянч дастури» бўйича тажриба-синов майдонларида қилинаётган ишлар натижалари ҳақида республика анжумани бўлиб ўтди.

Кенгаш иштирокчилари пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 20-яслида бўлиб, у ерда амалга оширилаётган тажрибалар билан яқиндан танишдилар. Тарбиячилардан Мадина Билолова, Маргарита Шчербина, Шоира Бузиеваларнинг кичкинтойлар билан қуриш-ясаш, расм, жисмоний тарбия ҳамда театр ҳақида ўтказган ноанъанавий машғулотларини кузатдилар. Айниқса, илк ёшлилар гуруҳининг ёшига мос жиҳозлар билан безатилиши, мураббийлар томонидан бежирим қилиб ясалган юмшоқ ўйинчоқлар, қўйингки, болакайлар ўзларини эркин ҳис қилган ҳолда истаган ўйинлар билан шуғулланишлари учун барча шароит яратилганлиги кенгаш иштирокчиларида катта taассурот қолдирди.

Сўнгра анжуман қатнашчилари мазкур тумандаги иккинчи тажриба-синов майдончаси – Бошланғич таълим-тарбия марказида бўлдилар.

Улар тажрибали мураббийлар Дилбар Қодирова, Насиба Соатова, Мавлуда Собирова, Барно Фатхуллаеваларнинг кичик, ўрта, катта ва тайёрлов гуруҳларида нутқ ўстириш, теварак-атроф билан таништириш, математика, Мария Монтессори услуби бўйича ўтказган мужассам машғулотларини кузатдилар.

Шундан сўнг кенгаш қатнашчилари РТМда республикадаги 16 та тажриба-синов майдончаларида «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш» тадбирларининг аҳволи ҳақида фикр алмашдилар. Дастур қай даражада ўзини оқлаётгани, уни болалар қандай қабул қилаётгани, тарбиячи олдидаги муаммолар, дастур талаб даражасида бўлиши учун қандай қўшимчалар киритиш лозимлиги тўғрисида мулоҳаза билдирилди.

— Дастур республикамизнинг 16 та тажриба-синов майдончаларида синалаётир, — деди Наманган Давлат педагогика университети педагогика факультети декани, педагогика фанлари номзоди М. Мирзаабдуллаева. – Унинг тузилиш такомиллари яхши, кўп жиҳатдан замон талабига жавоб беради. Тажриба-синовларда болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш деганда болаларда тасаввур, тушунчалар ривожланиши ҳисобга олиниб, кўникма, малака ҳосил қилишга алоҳида аҳамият бериш керак. Илк ёшлиларга мос чиройли расмлар чизиш учун рассомларни жалб этиш лозим. Мусиқий тарбияни илк ёшдан бериш жоиз. Ҳамма боғчаларда ҳам бунга аҳамият берилавермайди. Янгиликни кўргачгина ота-она фарзандини ўша жойда тарбияланишини хоҳлайди.

Шунингдек, анжуманда соҳанинг кўплаб мутахассисларининг фикрлари тингланди. ҚДУ бошланғич таълим кафедраси катта ўқитувчиси М.Маҳкамова, Самарқанд ВПХМОИ мактабгача таълим бўлими услубчиси М. Абдуллаевалар сўзга чиқиб, дастур ҳақида ўз фикр, мулоҳаза ва таклифларини баён қилдилар.

— Дастур талабга тўла жавоб беради, деб айтолмаймиз, — деди Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев. — Менимча, дастур тақдири оила билан боғлиқ. Болаларнинг 20 фоизи боғчага қатнайди. Қолган болалар оиладан тўғри мактабга боради. Ўзбекона моделда тарбия оилага кўчади. Оналарнинг тарбиячилик малакасини мактабларда ривожлантириш керак. Дастурда миллат тақдири ётибди. У ҳақда енгил-елпи ўйламаслик керак. Эксперимент майдончалари қошида ота-оналар қўмитасини ташкил этиб, уларда болаларини мактабга тайёрлаш борасида қизиқиш уйғотишимиз лозим.

Шунингдек, ҳар бир тажриба-синов майдончасига 10 тадан оилани бириктириб, ҳафтада 1-2 марта «Оналар мактаби» ўқувини ташкил этиш керак. Тажриба-синов майдончаларидаги асосий ишлардан яна бири болаларнинг саломатлик даражаси, яъни эксперимент бошидаги вазни, бўйи қанча, эксперимент давридаги даражаси, эрталаб ва кечқурун ўзгариш борми? Боланинг миясини ишлатиш ҳақида гапиряпмиз. Лекин унинг жисмонан ривожланиши, кайфияти ҳам ҳисобга олиниши керак. Соғлигига салбий таъсир кўрсатилган экспериментнинг нима кераги бор? Бола ҳаёт саҳнасига энди кириб келяпти. Дастурни ўзлаштиришини, тушунишини истардим. Бу борада сизларга катта умид билдираман. Дастур йиллар давомида янгиликлар, илғор тажрибалар билан бойиб бораверади. Аёллар йилида аёлларимиз дастурни амалга оширган йил бўлиб қолсин.

Кенгашда халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й.Саиджонов, ТШХТББ бошлиғи Ҳ.Йўлдошев, ХТВ педагогик таълим ва фан бошқармаси бошлиғи М.Яҳёев, ХТВ Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова, РТМ директори Г.Алимова, РТМ, ТШХТББ, ТШЎМОИ, ВПХМОИ мактабгача таълим бўлимлари бошлиқлари, тажриба-синов майдончаларининг боғча мудиралари, илмий раҳбарлар иштирок этдилар.

**Дилбар ХЎЖАЕВА**

# НУРАЁТГАН МАКТАБ

**(Боши 1-бетда)**

Дарс ўтилаётган математика, география, чизмачилик хоналарида ҳамда мактаб ошхонасида ўтиришдан киши чўчийди.

— Тўғриси, бошимиз қотиб қолди. Худо кўрсатмасин, эртага бирор фалокат рўй берадиган бўлса, ким жавоб беради — деди мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Л.Мезинцева. — Мактаб маъмурияти керакли идораларга мурожаат этишди. Йиллаб чопа-чопдан сўнг шаҳар халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси раиси Алишер Жумаевнинг саъйи ҳаракати билан 1998 йил декабр ойида давлат архитектура ва қурилиш назорати вилоят бўлими ҳамда вилоят давлат экспертизасидан бир гуруҳ кишилар келиб, мактабимиздаги авария ҳолатни кўриб, ўзларининг хулосаларини беришганди. Аммо, ҳалигача амалий ишдан дарак йўқ.

— Хўш, вилоят марказида бу қадар аянчли аҳволга тушиб қолган қўшимча мактаб биноси, наҳотки, халқ таълими ходимларининг эътиборини ўзига қаратмаётган бўлса. Биз бу ҳақда тегишли мутасаддиларга учрашганимизда улардан деярли, жўяли жавоб ололмадик.

— Мен, 1998 йил 19 октябрда иш бошлаганман, — дейди Термиз шаҳар халқ таълими бўлими мудири Абдуназар Саломов. - Илгари ҳам бу тизимда ишлаганим боис сиз айтаётган мактабни яхши биламан. Хавотирланиш ўринсиз. Ахир, бир неча йилдан бери бу бино шундай аҳволда. Яқинда ҳам комиссия бориб девор ёриқларига қоғоз елимлаб қайтишди. Улар ҳали бир тўхтамга келишгани йўқ.

Мудирнинг гапларини эшитиб, тўғриси, таажжубландик. Комиссия хулосасида мактабдан фойдаланиш ҳолати ёмонлиги қайд этилган. Бинони тез кунда капитал таъмирдан чиқариш, ундаги қувурларни, эшик ва дераза ромларини, полга тўшалган ленолиумларни тўлиғича алмаштириш тавсия қилинган. Яна, хулосага қарайдиган бўлсак 1-қаватдан 2-қаватга кўтариладиган зинапояларга тутқич қўйилиши лозим. Қисқаси, зудлик билан таъмирлаш зарур деган комиссия хулосасини А.Саломов, наҳотки ўқимаган бўлса.

Ана шунақа гаплар... Довруғи оламга кетган Термиз шаҳрининг бир гуруҳ ўғил-қизлари мактабга хавотир билан боришяпти.

**Рустам ДАВЛАТ**

***Таҳририятдан:***

***Мана сизга икки манзара: бирида ишлар яхши, бирида тескариси. Бирида жамоа "биздан обод мактаб қолсин" деса, бошқаси... Сезишимизча, бундай шиорни олдига қўя олмаяпти. Бунга аввало мактабнинг омонат қурилганлиги (собиқ 13-механизациялашган жамламасига "раҳмат") сабаб бўлса, бошқа томондан мутасадди ҳомий ташкилотлар раҳбарларининг совуққонлиги натижасидир. Президентимизнинг яқинда "Туркистон" газетаси мухбирига берган жавобларида "маърифатпарварлик ғояларини тарбиялаш, мактаб маориф тармоқларига ҳомийлик, саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни кучайтириш зарур"лиги ҳақида гапиргандилар.***

***Наҳотки, термез шаҳридаги 3-мактаб атрофида шундай саховатпеша ташкилотлар, ишбилармонлар, тадбиркорлар бўлмаса? "Бор" дейсизми? Унда 3-мактаб сиздан ёрдам кутади!***

Quvnoq startlar

# ҚИЗҒИН БАҲС

«Қувноқ стартлар» телемусобақаларининг иккинчи давра беллашувлари ҳамиша кучли командаларнинг совриндорлар сафидан ўрин олиш баҳси сифатида биринчи давра ўйинларидан фарқ қилади.

Куни кеча Марказий ҳарбий спорт клуби залида майдонга тушган Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 9-ўрта мактабнинг «Юлдуз» ва Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги 48-мактабнинг «Ҳумо» командаси ўртасидаги беллашув иккита кучли, бир-бирига муносиб команда учрашуви эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Дастурнинг «Ким чаққон» деб аталган биринчи мусобақасида қорақалпоғистонлик ўқувчилар ёғоч оёқда чаққон ҳаракат қилиш маҳоратини кўрсатишди ва 8 балл олишди.

Ҳар командадан 10 ўғил ва 10 қиз иштирок этган «Саломлашиш эстафетаси»да ҳам «Юлдуз» командаси маррага биринчи етиб келди. Ҳайъат аъзолари йўл қўйилган хатоларни ҳисобга олиб, ғолибларга 6 балл беришга қарор қилишди.

Учинчи мусобақа — «Кучлилар баҳси»да «Ҳумо» командаси аъзолари (8 ўғил ва 8 қиз) тўп олиб юришда рақибларига нисбатан чаққон ҳаракат қилишди. Йўл қўйилган хатолар туфайли уларга 6 балл берилди.

«Тўсиқли эстафета» мусобақасида ҳам фарғоналик ўқувчилар маррага бир мунча олдин келишди. Бу сафар ҳам иккита жарима очколари ҳисобга олинган ҳолда яна улар 6 балл олишди.

Дастурнинг бешинчи беллашувида 7 ўғил ва 8 қиз қўлларида кубиклар билан «Пирамида ясаш» мусобақасида ўз чаққонликларини намойиш қилган «Юлдуз» командаси 10 балл соҳиби бўлди. «Обруч кўпригидан ўтиш» (Икки томони лента билан тўсилиб, темир ҳалқа ётқизилган майдон) мусобақасида ёғоч оёқда югуришда ҳам берунийлик спортчилар яна маҳоратларини кўрсатишди ва 10 балл олишди.

«Ҳумо» командаси аъзолари Дастурнинг «Ўрин алмашиш» (тўсиқлардан тўп билан ҳаракат қилиш) мусобақасида 8 балл, «Жуфт бўлиб тўп ошириш» баҳсида эса 10 балл олишга муяссар бўлдилар.

Қизғин кураш остида ўтган учрашувда «Юлдуз» командаси 34:30 ҳисобида «Ҳумо» командаси устидан ғалаба қозониб, ярим финалда иштирок этадиган бўлди.

Мусобақа иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Давлат Спорт қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, «Ёшлик» КСЖ Марказий кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ғ. МАННОПОВ

# «КЎРЯПМАН ҲАР DAMDA УНИ...»

## Ҳамза Мақсуд Шайхзода таърифида

Мақсуд Шайхзода талқинича, Ҳамзанинг ҳаёт-мамоти «маъноли ва ғояли бир ҳаёт йўлики, унинг эгаси ҳалок бўлганидан кейин ҳам... янгилик, маърифат, заковат ва тараққиётнинг мужассам ва ғолиб ҳайкалидай, инсон фикрининг сўнмас машъалидай узоқ-узоқлардан келаётган сайёҳларнинг кўзи олдида мужассамланиб турибди». Шайхзоданинг Ҳамзага бағишлаб ёзган «Янги замон, янги инсон» /1961/, «Шоир ва йиллар» /1949/ ҳамда «Кўряпман ҳар дамда уни...» /1960/ мақола ва шеърларини кўздан кечирсак, тадқиқотчининг илҳом манбаи хусусидаги мулоҳазалари халқ манфаатларидан келиб чиққанига, улар бугунги кун мафкурамизга уйғунлигига амин бўламиз. Шайхзода Ҳамзанинг барча соҳалардаги ишларидан қойил қолиб, таъриф берган. Лекин шуни айтиш керакки, устозга муносабатда Шайхзода ўз йўлидан, ижодий услубидан келиб чиқиб, унинг гўзал ижодий қиёфасини кўз ўнгимизда намоён қила олди. Айниқса, унинг Ҳамзага бағишланган шеърлари юксак бадиийлиги билан ажралиб туради.

«Ҳамзанинг бир ўзи, — деб ёзади Шайхзода, бошқа бир шароитда ўнта фаол ижодкорларнинг қиладиган ишини қилди, ўнта забардаст фуқаронинг бажарадиган вазифасини бажарди, бир тўда бақувват паҳлавоннинг кўтарадиган салмоқдор юкини бир ўзи бақувват елкаларга ортиб халқига тақдим этди».

Ҳамза ўзининг ижодий ниятларига осонликча етишгани йўқ. У ҳар қадамда жиддий тазйиқларга, катта қаршиликларга, адолатсизлик ва ҳақсизликларга дуч келди. Улуғ санъаткор: «Дод дерман, термулиб, кўкка боқиб йўқдир илож», деб замонга нафратлар ёғдирди. Шу қайғули ҳолатни чуқур сезган Мақсуд Шайхзода:

**Сен шеърингни қонинг билан ёзибсан,**
**Сўнмас сенинг қофиянгда ҳарорат** –

деб таърифлаган. Ҳамзанинг поэзияси ҳарорати ҳеч қачон сўнмаслигини яхши англаб етган Шайхзода бу жасоратни реал мисраларда, гўзал шаклда изҳор этди:

**Истиқболнинг боғларига, эй жўмард,**
**Қаламинг-ла ирмоқларни қазибсан.**

Ҳамза келажакка соғлом назар билан қарай олиб, эркин, мустақил ҳаётнинг истиқболини кўра олган эди. «Шу узоқ манзилларни яқинлаштиришга интилди», деб ёзганда Шайхзода ҳақ эди. Ҳаёт унинг истак-орзуларининг нақадар «тўғри ва нақадар реал» эканлигини исбот қилди:

**Садонг яшар ўз элингнинг эркида,**
**Азиз расминг саодатнинг аркида** –

деб куйлайди Шайхзода. У ўзининг берган таърифларида Ҳамзанинг таржимаи ҳоли ёки асарлари таҳлили, унинг адабиётдаги ўрнини кўрсатиб бериш йўлидан бормади. Шогирд балки ўзининг ҳис туйғулари, кечинмалари, изтиробларини чиройли бадиий бўёқларда ифода этади. Бу жиҳатдан унинг «Кўряпман ҳар дамда уни...» шеъри характерлидир. Шеърда Ҳамза ҳаётининг сўнгги дамлари ўтган жой манзарасини чизиб, улуғ шоир қиёфасига кўз ташлайди. Бетакрор гўзал Шоҳимардоннинг шифобахш табиатини таърифлаб келиб, чуқур фалсафий умумлашмалар қилади, оғир бир шароитда ҳам Ҳамза ёшлар қалбида илм чироғини ёқиб, уларни маърифат оламига бошлаганини чуқур эҳтиром ила тилга олади. «Ҳамзаободда икки манзара» шеърида бу муқаддас ва ўлмас ишини қуйидагича таърифлайди:

**Кўк сув билан Оқсув-икки дугона, дилбар,**
**Икки ёқдан тоғ бағридан ўйноқлаб келар.**
**Гўё домла Ҳакимзода ўқитган қизлар –**
**Бир-бирига меҳр қўйган икки эгизлар.**

Мақсуд Шайхзода Ҳамзанинг илм-маърифат йўлидаги фидокорлигини умумлаштириб; «Тоғда ёққан фонус», деб таърифлади. Бу таъриф шоир ёққан илм машъали сўнмас ва узоқлардан ҳам кўриниб, узоқ вақт нур сочиб тургувчи маёқдир, деган хулосага олиб келади.

**Эшитмадим унинг сасини,**
**На Кўқоннинг дарсхонасида.**

Бу сатрларда шоир «сас» сўзига алоҳида маъно юклаётир. Биринчидан, у устозининг овози эшитилмай қолганидан афсусланса, иккинчидан, устозининг атоқли бастакор эканлигини таъкидламоқда ва ўзининг унинг ижросидан баҳраманд бўла олмай қолганига ачинади. Устознинг мусиқа соҳасидаги улуғвор ижодий кашфиётларини алоҳида бўрттириб ифода этиш учун Шайхзода қуйидагиларни ёзади:

**На ўзининг таронасида,**
**На ўқиркан манзумасини.**

Кўриб турганимиздай, Ҳамза фақат бастакоргина эмас, буюк шоир эканлигига урғу қилинаётир. Шайхзода унинг овозида шеър эшитмаганидан афсус чекади. Чунки у Ҳамзани ўз кўзи билан кўриб, унинг барча фазилатларига, инсоний гўзал қиёфасини билгиси келган, ундан завқланишни орзу қилган:

**Қандай эди шоирда овоз,**
**Кўз қараши, сўзлаш йўсини.**

Яна бир ўринда шоир Ҳамзани ҳеч қаерда учратмаганини айтиб, «На Тошкентнинг катта боғида», дейди. Бу билан М. Шайхзода пойтахтни гўзал боққа тенглаштирса, иккинчидан, ўзбек миллий адабиёти ва санъатини яшнаган боққа қиёслаб, бунда Ҳамзанинг ўрни алоҳида эканини таъкидламоқда.

Мақсуд Шайхзода Ҳамза билан бир асрда яшаган, бироқ уни тирик ҳолда кўрмаган бўлса-да, унинг сиймоси ҳар бир ютуқ-зафарларимизда, тўй-томошаларимизда, кишиларнинг очиқ чеҳраларида, бадиий асарларда яшаётганлигини завқ-шавқ билан куйлайди:

**Ҳайкалларда**
**ва ғазалларда.**
**Боқчаларда**
**ва кўчаларда**
**Расмларда**
**ва исмларда**
**ва базмларда.**

Яна «Ҳамзаободда икки манзара» шеърида шоир Шоҳимардондаги зулмат ва нурни ифода этиб, бир-бирига қарши қўйиб:

**Биттасида тирилмаган ўликни пайқар,**
**Иккинчисида ўлмайдиган тирикка боқар** –

дейди Шайхзода Ҳамза ёққан машъал абадий нур сочиб турганлигини назарда тутиб. Шоир «Капитан Гастелло» шеърида ҳаётдаги мангуликни ифодалаб:

**Умрлар бўладики,**
**Тиригида ўликдир,**
**Ўлимлар бўладики,**
**Ўлган одам тирикдир** –

деган эди.

Ҳамза ҳам мангу тирикдир, шу сабабдан ҳам Мақсуд Шайхзода «Кўряпман ҳар дамда уни...», деб жар солган эди. «Абадий тирик экан қўшиқ ва ғазал», шоирга «Ватан аҳли миннатдорчилик гулларидан боғлаб тутган гулдасталар асло сўнмайди».

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Xullas...

### ОДАМНИ ЙИҚИТГАН БАЛИҚ

Сочининг денгиз порти қиш кунлари ҳам балиқ овловчилар билан гавжум. Хэмингуэйнинг «Чол ва денгиз» асаридаги каби инсон ва балиқ ўртасидаги олишувларни бу ерда ҳар куни кузатиш мумкин.

77 ёшли сочилик қария дўстлари билан балиқ овига чиқди. Унинг қармоғи бирдан силкиниб, дастаси эгилиб кетаёзди. Балиқчи амал-тақал қилиб, Қора денгиз чуқурлигида яшовчи ингичка, улкан денгиз балиғини қирғоққа судраб олиб чиқди. Унинг ташқи кўриниши ясси товага ўхшарди. Ярим метрлик жониворнинг ён томонида устара каби кескир «қўллари» ҳам бўлиб, жон талвасасида ўзини у ёқ бу ёққа отмоқда эди.

Чол балиқни пошнаси билан тепиб, азоблаб ўзига бўйсундирмоқчи бўлди. Бироқ балиқ ҳам анойи эмас экан, эпчиллик билан «душмани»нинг оёғига бир уриб из қолдирди.

Шўрлик балиқчини «тез ёрдам»да шифохонага олиб кетишди. «Ўлжа» эса қирғоқда ҳамон иланг-биланг қиларди...

### МАҲТАЛ ҚОЛГАН ЛОШ

Улигинг кўчада қолмасин экан! Бунга лоқайд қўшнилар, оқибатсиз фарзандлар сабабчи бўлиши мумкин. Мана, исботи: Иваново шаҳридаги ҳовлилардан бирида яшовчи қари аёл оламдан ўтгач, тобутга жойлашди. Унинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитган қизи, эри билан онасининг мотамини тутиб, эслаб, куйган, ичган бўлишди. Бу янги йил, пасха байрамларига уланиб кетиб, совуқ хабарни унутиб юборишди.

«Кўп ўтмай, теваракатрофга сассиқ ҳид таралди. Қўшнилар ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишди. Бироқ ҳид билан боғлиқ ҳеч қандай «криминал» ҳолат йўқ, мурдани кўмадиганлар етиб келишмаган, холос.

«Рабочий край» газетасининг журналистлари нохушлик содир бўлган жойга етиб келиб, буни маҳаллий ҳокимиятга етказишгач, жасад тинчгина тупроққа қўйилди.

Бундан кампирнинг қизи хабар топдими, йўқми, худо билади...

### «ЖАБРДИЙДА» КОМБИНАТ

Ажойиб ҳангомаларнинг бўлгани яхши-да! Кичкинагина ўғриликка белгиланган «жазо» ҳақида эшитинг-а, лабингизга табассум югурмаса, биз кафил!

Қуюлтирилган сутни хушламайдиган кишининг топилиши гумон. Қаймоқдек қуюққина сутга нон ботириб есангиз ҳам, чойга солиб ичсангиз ҳам мазза! Олымск сут-консерва комбинати ишчиси Н.Зубахина қуюлтирилган сутнинг бир нечта банкасини ўмариб чиқаётганда, «тузоқ»қа илиниб қолди. Бечора қадрдон корхонасидан би-ир манфаат кўрмоқчи бўлган эди-да...

«Иш» чигаллашиб, туман судигача етди. Суд ҳукм чиқарди: 1,5 минг сўмлик жарима.

Қизиғи шундаки, ташмачи Н.Зубахина суд ҳукми билан белгиланган жаримани тўламади. Уни «жабрланган» комбинат ҳисобхонаси тўлаб қўйишни ўз гарданига олди.

«Ишни чувалантиришнинг ҳеч ҳожати йўқ экан. Комбинат сут берди нима, жарима тўлади нима?» деб хабар қилади «Курская правда» газетаси.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

### КАТТА КУРАШ ОЛДИДАН

11-13 февраль кунлари Жиззах шаҳрида миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтади. Унда полвонларимиз юртимизда ўтказиладиган 1-жаҳон чемпионати олдидан куч ва маҳоратларини обдон чўтлаб кўришади.

### ЮКСАКЛИКДА

1998 йили ўзбекистонлик спортчилар жаҳон, Осиё чемпионатларида ва бошқа турли биринчиликларда жами 53 та олтин медални қўлга киритишди. Бу йил эса ундан ҳам юқорироқ натижалар кўзланяпти.

### ҚУРУҚ ҚАЙТИШМАДИ

Красноярск шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича халқаро турнирда иштирок этган 2 нафар боксчимиз ҳам медаль олиб қайтишди. Руслан Чагаев (91 кг) мусобақанинг олтин медалини қўлга киритган бўлса, Тимур Тўлаков (54 кг) кумуш медаль билан тақдирланди.

### КЕЛАЖАКДА ИШЛАР КЎП

Қўқон шаҳрида волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг 3-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Мусобақа натижаларидан шу қарорга келиндики, республикамизда спортнинг бу турининг тараққиёти учун ҳали анча-мунча тер тўкиш лозим.

### КЕЛИША ОЛМАДИЛАР

ЖЧ-94 нинг энг яхши футболчиси, бразилиялик Ромариога Саудия Арабистонининг бир жамоасидан 2 миллион доллар (АҚШ) эвазига икки ярим ой ўйнаб бериш тўғрисида таклиф тушганди. Бироқ футболчи рози бўлмади, унга бунча қиймат ҳам кам кўринди шекилли.

# МЕН АНГЛАГАН ҚЎШИҚ

Бадиа

Шоир таъкидлаганидек, «Ёлғон дунё — бу дунё, армон дунё - бу дунё!». Яхшиямки, бу дунёда инсонларни «яшаш олами»га тортиб турувчи, кўзга кўринмас «қандайдир бир куч» бор... Одамларни кузата-кузата, уларни ўргана-ўргана билдимки, бу дунёда ҳар ким ҳар нарса билан андармон. Ҳар кимнинг ўз дарди, ўз армонлари бор... Истайсизми ёки йўқми, бу «бир кам яралган» кўҳна дунёда, барибирам, ҳар кимнинг ўз фалсафаси ҳам бор. Менинг фалсафамга кўра, бу ёруғ олам қўшиқлар билан тирик. Яна битта «жайдари» фалсафа. Бу биз яшаб турган дунё аслида «анча кам» яралган бўлиб, фақат қўшиқларгина уни ҳозирги «бир кам» даражага етказган...

Мен ўзбек мумтоз қўшиқларини жуда-жуда ёқтираман. Уларни тинглаб дам оламан, ҳордиқ чиқараман, олам ташвишларини унутаман...

Аммо, мен ҳаётим давомида ҳеч бир вақт «ўша кун»дагидек дилбар қўшиқ эшитмаган эканман. Ажабо, «у» аста-секингина хиргойи қилиб айтган ўша қўшиқларни неча-неча мароталаб, «маnaman» деб юрган ижрочилар томонидан ҳам эшитганман-ку!..

Йўқ, йўқ «у» барибир, бошқача айтди. «У» дилдан айтди. «У» ёниб-ёниб, қалбдан йиғлаб-йиғлаб айтди...

«У» «ўша кун» ижро этган халқимиз ашула санъатининг «шоҳ» қўшиқларидан жамланган «дил наволари » ҳалиҳали қулоқларим остида майин ва мунгли жаранглаб турибди...

Мен «ўша дамлар»даги ҳолатимни хотирлай олмайман ҳам. Ҳар қалай мен шароб кайфидан эмас, балки ҳаётимда ўзимга илк бор ҳамнафас бўлган ички бир туғён таъсирида маст эдим...

Мен оҳанг қудратига бўй эгдим, бир неча сония бўлса-да, бу дунё ғам-ташвишларини унутиб, куй оғушида оқдим...

«У» оғир ва вазмин куйлади. Бутун бошли улкан бир сарой назаримда, бутун борлиқ «у»нинг «дил ноласи»ни оғир бир сукут билан тинглади...

Қўшиқнинг сўз билан ифодалаб бўлмас ўта мафтункор сеҳри менинг дарвиш қалбимда кўпдан тўпланиб қолган ғуборларни ювгандай бўлди. Қўшиқ қалбимни поклади. У тирноқларимдан тортиб, сочларимга қадар, ажабтовур, бир ёқимли илиқлик бахш этди.

Оҳангнинг кўзга кўринмас илоҳий кучи мени таниш гўшаларга бирма-бир етаклаб кирди... Йўқ, шу кунгача мен учун муқаддас ҳисобланмиш у гўшалардан бу сафар менинг қалбимга макон топилмади...

«Ўша кун» «у» менга қўшиқ эмас, «чин ҳаёт алласи»ни айтди. Бу «алла» ўзим ҳам бехабар бир тарзда тошдай қотиб қолган юрагимни юмшатди. Бу «алла-қўшиқ» ярим тунга етмасдан сўна бошлаган қалб юлдузларимга қайта нур ато этди. «У» ўша жойдан ўзига ўрин топди, мустаҳкам ўрнашиб қолди...

Орадан анча-мунча кунлар ўтган бўлса-да, қалбим ўша қўшиқни, унинг дилбар ижрочисини қўмсайди, соғинади...

Ҳа, «ўша кун»ги ўша қўшиқ менга ўзимни танитди.

Абдували ОБИДДИН

# АВВАЛ ЎЙЛА

## Ҳажвия

— Йў-ўқ, ўртоқлар! Мен бундай туҳматларга чидаб туролмайман!

Болтабой мудир ўрнидан сапчиб туриб кетди. 5 - «А» синф ўқувчиларининг ота-оналарига ва синф раҳбарига кўзини олайтирди, тутоқди.

— Айтиб қўяй, кимдир чидар, лекигин бу бўхтонга ман чидолмайман! Бу ерда бир гап борга ўхшайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш билан мани кўролмайдиганлар кўпайди. Мани бадном қилишмоқчи!

— Болтавой ака, —қўлидаги дафтарни кўрсатиб гапирмоқчи бўлди синф раҳбари.

— Ўтиринг, домла! Гапириш очирати манда ҳозир! — қўлини силтаб ташлади мудир. – Гапнинг мазмунини чақинг. Мани ўғлим Қодир арзачининг қизидан кўчирармиш?! Шу гапни ўзингизга эп кўрдингизми, домла? Билиб қўйинг. Бунақанги туҳматни елкада хуржун солиб кўтариб юрадиганларданмасмиз. Жа оёқ ости қилворманг! Худога шукур, қишлоқдаям, шаҳардаям обруимиз бор. Директорингизмас , мудирингизни ҳам танийммиз, қўш қўллаб сўрашадилар. Ким бўлиб кетибсиз, биродар, синф раҳбари?! Аввал ўйланг, кейин сўйланг, укахон!

— Мени тўғри тушунинг Болтабой ака, біровга туҳмат қилиш ниятим йўқ, — деди синф раҳбари, мудирнинг тутуни сўнгач, дафтарни кўрсатиб. Бир ўқувчимизнинг ёзган иншосини ўқиб бераман. Муҳокама қилиш сизлардан. Иншо «Меҳнат дарсида» деб номланган.

«Бизнинг меҳнат дарсимиз яхшигина жиҳозланган дарсхонада ўтилади. Унинг деворларида турли-туман бичилган, тўқилган ва тикилган қизлар ҳамда ўғил болалар кийимлари, андозалар кўргазмага қўйилган. Мен бу дарсга жуда қизиқаман. Ўқитувчимиз Шаҳло опанинг дарсга киришини сабрсизлик билан кутаман. Улар берган топшириқларни доимо бажариб аъло баҳо оламан».

— Ана, қандай чиройли ёзилган! — луқма ташлаб ўнг қошини учириб қўйди Болтавой мудир. Синфдагилар унга қарадилар. Синф раҳбари ўқишда давом этди. «Кўргазмага қўйилган дўппини мен тикканман. Бу соҳада устозим ойим. Авваллари киловасини тикиб берардилар. Энди ўзим уддасидан чиқяпман. «Аюбнусха», «Силнусха», «Ўриснусха» дўппиларини бемалол тикаман. Шунинг учун меҳнат дарсларида асло қийналмайман...» Ўқитувчи ўқишдан тўхтади ва ўтирганларга кўз тикди. Барчанинг вужуди қулоққа айланган.

— Ажойиб ёзилган! Ишқилиб, шунданам хато топмасангиз дейман, — пичинг қилди мудир.

— Мана, Болтавой ака, бир кўринг-чи, — дея қўлидаги дафтарини унга узатди. Болтавой ака дафтар бетидаги ёзувга қаради, ўқий олмади шекилли сал кўздан узоқроқ олиб бориб ёзувларга тикилди.

— Ий-е, Ботиртой? - ранги оқариб, дами чиққан пуфакдек лапшпайди мудир.

— Ҳа, Ботиртой Болтабоевнинг иншоси, - илова қилди синф раҳбари.

— Кечирасизлар, — қўлини кўксига олиб узр сўрай бошлади у. – кўчирипти, хумпар, кўчирипти. Чок тикмайди, ўғил бола у, ўғил бола. Ман кўрсатиб қўяман унга кўчиришни! Биздан ўтибди, кечирасизлар, домла.

— Ҳечқиси йўқ, Болтабой ака, ҳақ гапирдингиз, аввал ўйла, кейин сўйла деб, — жавоб қайтарди синф раҳбари мулойимлик билан.

Муҳаммад ҲАКИМ

# ЭЪЛОН!

**Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси истеъдодли ёшларнинг миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларини янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, ёшларнинг иқтидори, имкониятларини эзгу ва улуғ ишларга йўналтириш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида илмий, ижодий ишлар, иншо ва рефератлар, ихтиролар, кашфиётлар бўйича Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — истеъдодлар бешиги» анъанавий Республика кўрик-танлови ўтказилишини эълон қилади.**

Қуйидаги йўналишлар:

***1. Адабиёт ва журналистика.***
***2. Халқ ҳунармандчилиги, амалий ва тасвирий санъат.***
***3. Экология, тиббиёт ва саломатлик.***
***4. Ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари.***
***5. Қўшиқчилик, рақс ва мусиқа.***
***6. Илмий изланиш, кашфиётлар.***
***7. Касб танлашдаги ўйлар (ижодий иншолар).***
***8. Мустақилликнинг қонуний (ҳуқуқий) кафолатлари (илмий мақола ва рефератлар).***
***9. Юрт истиқболи ёшлар тасаввурида (ижодий иншолар).***
***10. Бозор иқтисоди ва янгича бошқарув асослари (илмий мақола ва рефератлар) бўйича ўтказилади.***

***Танловга юборилган ишлар матбуотда эълон қилинмаган (машинкаланган ҳолда) бўлиши шарт. Танлов қатнашчиларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидаги ўз шахсий хиссаси қай даражада эканлигини билиш мақсадида улардан қуйидаги «Сўровнома» саволларига ҳам жавоб ёзиб юборишлари сўралади:***

***1. Сизнингча Ватан нима, уни англаш нимадан бошланади?***
***2. Ватан туйғусини қандай ҳис этасиз?***
***3. Юрт соғинчини ҳис қилганмисиз? (Қаерда, қачон, нима сабабдан)?***
***4. Ватан, Миллат, Халқ тушунчаларининг уйғунлигини нималарда кўрасиз?***
***5. Ватанпарварлик тушунчасини қандай изоҳлайсиз?***
***6. Истиқлол Сизнинг ҳаёт тарзингиз, онг-шуурингиз, тафаккурингизда қандай ўзгаришлар қилди?***
***7. Ўз шахсий ҳаётингиз мисолида мустақиллик имкониятларини нималарда кўрдингиз?***
***8. Ўз ҳаётингизнинг Ватан тақдири билан муштарийлигини қандай ифодалайсиз?***
***9. Ватан, юрт истиқболи, равнақи учун шахсан ўзингиз нима ҳисса қўша олдингиз?***
***10. Юртимиз истиқболини қандай тасаввур этасиз?***

Мазкур кўрик-танловда 35 ёшгача бўлган барча истеъдод соҳиблари қатнашишлари мумкин.

Танлов қатнашчилари ўз ишларини, саволларга жавобларини (машинкаланган ҳолда) Улуғбек жамғармаси бошқаруви ҳузурида ташкил этилган республика танлов ҳайъатига шу йилнинг 20 февралидан 30 августига қадар юборишлари лозим.

Танлов ғолиблари Улуғбек жамғармасининг қимматбаҳо мукофотлари (телевизор, магнитофон, гилам), эсдалик совринлари, дипломлари билан тақдирланадилар.

Танлов ҳайъати томонидан муносиб топилган номзодлар 1999 йилнинг ноябрь ойида ўтказиладиган якуний тадбир – ижодкор ёшлар фестивалига таклиф этиладилар.

**Манзилимиз:** ***Тошкент шаҳри, 700027,***
***Фурқат кўчаси 1-уй, 5-қават***
***Улуғбек жамғармаси бошқарувига***

**Кўрик-танловга марҳамат!**

**Маълумот учун телефонлар: 45-23-48, 45-26-45, 45-96-96, 45-24-57**

Газетамизнинг навбатдаги сони 17 февраль куни чиқади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.
Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади.
Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Алишер НАЗАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0106. Тиражи 56.495. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 22.30.